
БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

8-март Хотин-қизлар байрами арафасида туманимизда ажойиб хуш хабар қанот ёзмоқда. Бугун Марказ МФЙда кўп қаватли уйлاردан иборат бўлган “Янги Ўзбекистон” мавзесининг очилиш маросими ўтказилди. Очилиш маросимида туман ҳокими, туман ҳокими ўринбосарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, туман маданият бўлими ходимлари, МФЙ раиси ва ёшлар етакчиси ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этишди. Маълумот учун “Марказ” МФЙда 17 та тўрт қаватли уйлар қурилган бўлиб 400 тадан ортиқ хонадондан иборат бўлиб, бу ерда асосан ёшлар истиқомат қилишади. Айтганча, “Янги Ўзбекистон” мавзесида “Ёшлар гузари” ва “Марказ” МФЙ идораси ҳам жойлашган. Бундан ташқари, 150 ўринли болалар боғчаси ҳам ушбу мавзеда жойлашган. Замонавий ва шинам уйга кўчиб ўтган фуқаролар бугунги доруломон кунларга шукрона келтиришмоқда. Риштон туманида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

2022-03-05 06:25:55